

Чеченистонда Аҳмат ҳожи Қодиров номидаги мадраса очилди



18:11 / 25 январь 852

Чеченистон Республикаси Грозний туманида Республиканинг биринчи президенти, Россия Қаҳрамони Аҳматҳожи Қодиров номидаги мадраса очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ҳақда Чеченистон мусулмонлари диний бошқармаси хабар берди.

Тантанали тадбирда Чеченистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, муфтий Салоҳ ҳожи Межиев ва қатор дин олимлари, оқсоқоллар ва маҳаллий аҳоли вакиллари иштирок этди.

Ўқув муассасаси 100 талабага мўлжалланган бўлиб, 260 квадрат метр майдонни ўз ичига олади. У ерда талабалар тўлиқ таълим-тарбия олиши учун барча шароитлар яратилган.

Мадрасанинг қурилиши Чеченистон Республикасининг биринчи президенти, Россия Қаҳрамони Аҳмат ҳожи Қодиров номидаги минтақавий жамоат фонди томонидан молиялаштирилган.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Чеченистон Республикасида жами

1400 дан ортиқ масжид фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, 2023 йилда 33 та янги масжид қуриб битказилди. Шунингдек, айни пайтда 81 та зиёратгоҳ қурилмоқда.